

ШАРТНОМА № 69

02.11.2022 йил .

Гулистон шаҳри.

Кейинги ўринларда **“Буюртмачи”** деб юритиладиган “Сирдарё минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи директор З.Базаров бир томондан, матнда кейинги ўринларда **“Пудратчи”** деб юритиладиган «ООО ГЛОБАЛ-МЕГА-ИНВЕСТ» Низоми асосида иш кўрувчи раҳбари Ж.Турсунбоев иккинчи томондан, ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. **“Пудратчи”** ушбу шартнома шартларига мувофиқ **Боёвут туман Олмазор МФЙ Сардоба, Тараккиёт-1, Аллома кучалари** жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. **“Буюртмачи”** эса **“Пудратчи”**га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий ҳужжатлар ва ташкилот нормативлари асосида тузилган лойиха-смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағни тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. 2022 йил 31.10 кунги танловда (ЛОТ рақами № **22110012164041**) голиб бўлиб бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (ҚҚС ва барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда **90 219 811** сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, манзиллик рўйхати тасдиқланиб молиялаштирилган маблағи аниқлангандан сўнг тегишли Ҳазначилик тизимидан (Узазбо дастури) рўйхатдан ўтиб, маблағ Республика ёки маҳаллий бюджетдан **“ Буюртмачи ”** махсус ҳисобига туширилганидан сўнг, 10 банк иш кунида **“Буюртмачи”** томонидан бажариладиган ишлар қийматининг аванс (бўнак) тариқасида 30 % келишилган сумма **“Пудратчи”**нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Маблағнинг қолган қисми Республика ёки маҳаллий бюджетдан **“ Буюртмачи ”** махсус ҳисобига туширилганидан сўнг, **“Пудратчи”** томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.4. **“Пудратчи”** томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар 2022 йилнинг 31 декабр кунига қадар **“Буюртмачи”** гатопширилиши шарт ҳисобланади. Курсатилган муддатда **“Пудратчи”** томонидан бажарилган ишлар топширилиши таъминланмаган тақдирда, бажарилган ишлар юзасидан **“Буюртмачи”** томонидан молиялаштирилиши масаласи қайта куриб чиқилади.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар **“Буюртмачи”** томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

“Пудратчи”нинг мажбуриятлари:

3.1. Мазкур шартномага илова қилинадиган бажариладиган ишлар жадвалига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва мазкур шартноманинг ишларни бажариш тўғрисидаги 1-иловасида кўрсатилган жадвал асосида **30 кунда** ишларни бажариб топширади.

3.2. Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда бажариш ҳамда **“Буюртмачи”**га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

Объектнинг ижро ҳужжатларини тўлиқ расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортни ва ҳисоб варақ фактуралар (юк хати)дан нусха тақдим этади.

3.3. **“Пудратчи”** мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишига гайёр ҳолда топширилиши учун **“Буюртмачи”** олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради. **“ Пудратчи ” “ Буюртмачи ”** олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун ҳам жавобгар бўлади. **“ Буюртмачи ” “ Пудратчи ”** билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни ёрдамчи пудратчиларга қўймайди.

3.4. **“Пудратчи”** геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиқ ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида геодезия ишларида хатолар аниқланса, **“Пудратчи”** тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

3.5. Агар беркитилган (ёпилиб кетадиган) ишлар **“Буюртмачи”**нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича **“Пудратчи” “Буюртмачи”**нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра уни тиклашга мажбурдир.

3.6. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача “Пудратчи” қурилиш монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтари (журнал)ни юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши акс эттирилади. “Пудратчи” дафтар (журнал)да “Буюртмачи” томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.7. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланишига “Пудратчи” тўлиқ жавобгар бўлади.

“Пудратчи”нинг ҳуқуқлари:

3.8. Бажариб бериладиган иш учун олинадиган аванс ҳақ тўланишини мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш.

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асосиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш.

3.8. Лойиха-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари “Пудратчи” томонидан тўлиқ ва сифатли бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлари смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида “Буюртмачи”ни хабардор қилган ҳолда йўналтирилиши мумкин.

3.8. “Пудратчи” зарур ҳолларда айрим иш турларини бажарилишида лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўз имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойихачи ташкилотнинг тегишли хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин.

3.9. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

“Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

3.10. Тасдиқланган лойиха-смета ҳужжатлари асосида бажарилган ишларни меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш.

3.11. Бажарилган ишлар учун ҳақ тўланиши мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинади.

“Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

3.12. “Пудратчи”дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

3.13. Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш.

3.14. “Пудратчи”дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш.

3.15. “Пудратчи” томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш.

3.16. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

3.17. Агар “Пудратчи” шартномани амал қилиш муддати давомида белгиланган объектни “Буюртмачи” га топширмаган тақдирда, “Буюртмачи” мазкур шартнома муддатлари тугагандан сўнг, бажарилган ишлар учун маблағ бериш мажбуриятини олмайди.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

4.2. “Пудратчи” объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун “Буюртмачи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси тўлаб берилган маблағнинг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар “Пудратчи” томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса, ёки ишлар умуман бажарилмаси, “Буюртмачи” тўловларни тўхтатиб, лозим даражада, ёки умуман бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорида жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун “Буюртмачи” томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 % миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада қўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 25-32 моддлари асосида белгиланади.

V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.2 “ Пудратчи ” нинг мазкур шартномани бажариши учун бошқа шартлашувчи шериклари, ёрдамчи пудратчилар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, “ Пудратчи ” да зарур маблағларнинг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Шартнома асосида белгиланган маблағни молиялаштирилиши билан боғлиқ муаммолар келиб чиққан тақдирда “ Буюртмачи ” ва “ Пудратчи ” ўзаро келишув асосида шартномага ўзгартириш киритиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Гулистон туманлараро Иқтисодий суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ҳазначилик тизимидан (Узазбо дастури) рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Объектнинг жорий таъмирлаш бўйича маблағ Республика ёки маҳаллий бюджетдан “Буюртмачи” нинг махсус ҳисоб рақамига 2022 йил 31 декабрь кунига қадар ажратилмаган тақдирда мазкур шартноманинг амал қилиш муддати қайта кўриб чиқилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусҳаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучга эга.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“БУЮРТМАЧИ”

Сирдарё минтакавий йулларга буюртмачи
хизмати давлат унитар корхонаси
Гулистон ш. Саҳоват кучаси 1-уй.
Тел/факс: 236-55-16
ш/х: 304521860242127045129118074
СТИР: 207 252 998


Директор  З.Базаров



“ПУДРАТЧИ”

«ООО ГЛОБАЛ-МЕГА-ИНВЕСТ»
Сирдарё вил Янгир.ш Пахтакор кучаси 12/2
АТБ Ҳамкор банк Гулистон ш филиали
Х/Р: 0020 8000 3008 9010 6001
МФО: 01118
ИНН: 305597829

Рахбар  Ж.Турсунбоев



ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА.

Узаро тузилаётган пудрат шартномасининг шартлари, хусусан, тарафларнинг ҳуқуқлар, мажбуриятлари, кафолатлари, ишларнинг бажариш муддатлари, ҳисоб-китоб ва тўловлар, ишлаб чиқариш, форс-мажор, тугалланган қурилиш объектини қабул қилиш ҳолатлари, шартномани бекор қилиш ҳамда тарафларнинг мулкӣ жавобгарлик асослари, низоларни хал қилиш тартиби ва якуний талаблар Фуқаролик кодексининг 26, 27, 28 ва 37-боблари ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун талабларига мос келади, шартнома тузувчи шахслар шартномани имзолаш ҳуқуқига эга, шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Сирдарё МЙБХ ДУК
Бош юрисконсултн:-



Ф.Х.Усаров

" " 2022 йилдаги

БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ
Пудратчи ташкилот: «ГЛОБАЛ МЕГА ИНВЕСТ» МСНҲ

№	Иш тури	Жами	Шундан			Жами суммаси
			октябрь	ноябр	декабр	
1	Қурилиш монтаж ишлари	78 452 009,57		78 452 009,57		78 452 009,57
2	ҚҚС 15 %	11 767 801,43		11 767 801,43		11 767 801,43
3	Жами	90 219 811,00		90 219 811,00		90 219 811,00

"Буюртмачи"



[Handwritten signature]



"Пудратчи"

" " 2022 йилдаги №

Объект: Сирдарё вилояти Боевут туман Олмазор МФЙ Сардоба, Тараккиёт-1, Аллома кучалари жорий таъмирлаш

МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

№	Молиялаштириш шартлари	Жами	2022 йил			
			Октябр	Ноябр	Декабр	
1	30 % хажмидаги бунак	27 065 943,30		27 065 943,30		27 065 943,30
2	70 % хажмда жорий молиялаштириш	63 153 867,70		63 153 867,70		63 153 867,70
3	Жами:	90 219 811,00		90 219 811,00		90 219 811,00

"Буюртмачи"



"Пудратчи"





“ 2 ” 11 2022 йил

ТАНЛАШ БАЁННОМАСИ

Катнашдилар :

Хайъат раиси:

З.Базаров

Директор

Аъзолари:

З.Таджикулов

Бош муҳандис

Ф.Ўсаров

Бош юристконсулт

М.Култаев

Лойиха таъминот бўлими бошлиғи

Ў.Худойбердиев

Тендерларни ташкил этиш бўлими

Ш.Таниев

Бош ҳисобчи

А.Абдумунинов

Ишлаб чиқариш бўлими бош мутахассис

КУН ТАРТИБИ

1. Глобал Мега Инвест МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш.
2. Низомиддин Имкон Сервис МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш.
3. Мироб Курилиш Сервис МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш.
4. Озод Малика йўл қурилиш МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш.
5. Sunny Lend Service МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш.
6. Йўлдош ота ХК таклифини ўрганиб чиқиш.
7. Жиззах Минораси МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш.

тибида қўйилган масала юзасидан хайъат раиси З.Базаров сўзга чиқиб, йиғилиш катнашчиларига Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли қонунинг 7-боб 60-моддасининг талабларига мувофиқ Боёвут тумани Олмазор МФЙ Сардоба-Тараккиёт-Аллома кучаларини жорий таъмирлаш объекти учун Глобал Мега Инвест МЧЖ, Низомиддин Имкон Сервис МЧЖ, Мироб Курилиш Сервис МЧЖ, Озод Малика йўл қурилиш МЧЖ, Sunny Lend Service МЧЖ, Йўлдош ота ХК, Жиззах Минораси МЧЖ лардан таклифлар электрон шаклда жойлаштирилганлигини маълум қилади.

Хайъат аъзолари ҳамда таклиф берувчиларнинг электрон шаклда жойлаштирилган ҳужжатлари куриб чиқилганда куйидаги таклифлар берилганлиги маълум бўлди.

1. Глобал Мега Инвест МЧЖ таклифи 90 219 811 сўм ва қурилиш муддати 30 кун
2. Низомиддин Имкон Сервис МЧЖ таклифи 90 000 000 сўм ва қурилиш муддати 30 кун
3. Мироб Курилиш Сервис МЧЖ таклифи 92 968 000 сўм ва қурилиш муддати 30 кун
4. Озод Малика йўл қурилиш МЧЖ таклифи 90 000 000 сўм ва қурилиш муддати 30 кун
5. Sunny Lend Service МЧЖ Дисквалификация қилинди.
6. Йўлдош ота ХК таклифи 90 219 600 сўм ва қурилиш муддати 30 кун
7. Жиззах Минораси МЧЖ 90 200 000 сўм ва қурилиш муддати 30 кун

Хайъат раиси: (З.Базаров) ушбу қўрсатилган таклифни хайъат аъзоларига таништирди. Овозга қўйиш натижасида Боёвут тумани Олмазор МФЙ Сардоба-Тараккиёт-Аллома кучаларини жорий таъмирлаш объекти буйича Глобал Мега Инвест МЧЖ техник жихатдан салоҳияти юқори бўлганлигини инобатга олиб, шу ташкилот билан 90 219 811 сўмга шартнома тузишга қарор қилинди. Харид комиссияси аъзоларида мазкур лот 22110012164044 иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқаларлик мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг (ЎРК-684-сон, 22.04.2021 й.) 23-моддасига қўра, иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси мазкур лот (лар)да иштирок этмаяпти. Маълумотлар stat.uz саҳифаси орқали текширилди.

Ушбу 22110012164044 сонли лот рақами буйича Сирдарё МЙХБ ДУК томонидан тасдиқланган танлаш баённомаси юзасидан ҳеч қандай эътироз ёки нарозиликлар юзага келмади.

Овозга қўйиш натижасида 7 та овоз билан Глобал Мега Инвест МЧЖ ғолиб чиқди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда хайъат

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Глобал Мега Инвест МЧЖ, Низомиддин Имкон Сервис МЧЖ, Озод Малика йўл қурилиш МЧЖ, Йўлдош ота ХК, Жиззах Минораси МЧЖ ташкилотлардан тушган таклифлари эътибога олинсин.
2. Танлов ғолиби этиб Глобал Мега Инвест МЧЖ эълон қилинсин ва ушбу ташкилот билан 90 219 811 сўмга шартнома тузилиши мақуullanсин.

Аъзолари:

З.Таджикулов


Ф.Ўсаров

М.Култаев

Ў.Худойбердиев

Ш.Таниев

А.Абдумунинов



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 августдаги №138-сонли қарарининг 24-бағида назарда тутилган маблагларни максимал ўзлаштириш учун Сирдарё вилояти Бобўт тумани икки йўллари (шакар марказий икки хўжалик йўллари)ни қуриш ишлари бўйича 2022 йил учун

МАЎЗИЛЛИ ҲУЙХАТИ

№	Объектнинг ном ва жойлашган манзили	2022-2022 йил	Ўзлаштирилган қўшимча маблағлар	Ўзлаштирилган қўшимча маблағлар	Ўзлаштирилган қўшимча маблағлар	Ўзлаштирилган қўшимча маблағлар	Ўзлаштирилган қўшимча маблағлар	Ўзлаштирилган қўшимча маблағлар	Ўзлаштирилган қўшимча маблағлар	ЎЗЛАШТИРИЛГАН ҚЎШИМЧА МАБЛАҒЛАР										2022 йил 1 январь ҳолатига қўшимча қилинган объектлар бўйича қўшимча қилинган таъмир-яратиш бағи миқдори ва расми	Экспертиза санини ва расми	Пиларга қурилган ташкилотлари				
										Қурилиш-монтаж ишлари		Тўриқ бўлини қоплаш		Тўриқ бўлини асфалтлаш		Асфальт бўлини ташкирлаш		Бошқа харajatлар					Ўзлаштирилган қўшимча маблағлар		Ўзлаштирилган қўшимча маблағлар	
										қим	(миңг сўм)	қим	(миңг сўм)	қим	(миңг сўм)	қим	(миңг сўм)	қим	(миңг сўм)				қим	(миңг сўм)	қим	(миңг сўм)
Бобўт тумани																										
1	Учтурган МФЙ Наркотиқ кўчаси	2022-2022 йил	0,374	41 753,235	0,374	41 753,235												20.09.2022 йил №61910	Танлов асосида							
2	А.Навоий МФЙ Заки кўчаси	2022-2022 йил	0,807	93 684,796	0,807	93 684,796												20.09.2022 йил №61912	Танлов асосида							
3	А.Навоий МФЙ Жўлиқ кўчаси	2022-2022 йил	1,171	125 968,628	1,171	125 968,628												21.09.2022 йил №61913	Танлов асосида							
4	Тинлик МФЙ А.Навоий кўчаси	2022-2022 йил	0,500	53 343,234	0,500	53 343,234												20.09.2022 йил №61922	Танлов асосида							
5	Гулбоб МФЙ Бахористон кўчаси	2022-2022 йил	0,466	57 564,115	0,466	57 564,115												20.09.2022 йил №61903	Танлов асосида							
6	Ифтихор МФЙ Ота замини кўчаси	2022-2022 йил	0,583	65 813,462	0,583	65 813,462												20.09.2022 йил №61905	Танлов асосида							
7	Ифтихор МФЙ Ирмоқ кўчаси	2022-2022 йил	0,514	58 071,585	0,514	58 071,585												20.09.2022 йил №61906	Танлов асосида							
8	Аювдор МФЙ Мишлат парвар кўчаси	2022-2022 йил	1,243	216 935,910	1,243	216 935,910												20.09.2022 йил №61919	Танлов асосида							
9	Аювдор МФЙ Янги чортоқ кўчаси	2022-2022 йил	0,400	56 761,152	0,400	56 761,152												20.09.2022 йил №61916	Танлов асосида							
10	Аювдор МФЙ Словуш кўчаси	2022-2022 йил	0,470	58 341,953	0,470	58 341,953												20.09.2022 йил №61918	Танлов асосида							
11	Янгибоб МФЙ Мужиса кўчаси	2022-2022 йил	0,120	18 375,055	0,120	18 375,055												20.09.2022 йил №61921	Танлов асосида							
12	Бунёдкор МФЙ Зафардаст кўчаси	2022-2022 йил	0,670	101 565,163	0,670	101 565,163												19.09.2022 йил №61585	Танлов асосида							
13	Дўстлик МФЙ Бозовул ва Янги обод кўчаси	2022-2022 йил	1,140	170 030,259	1,140	170 030,259												19.09.2022 йил №61586	Танлов асосида							
14	Намуз МФЙ Озолик ва Истибоб кўчаси	2022-2022 йил	0,875	100 318,576	0,875	100 318,576												19.09.2022 йил №61590	Танлов асосида							
15	Олмазор МФЙ Сардоба, Паракет-1, Аллома кўчаси	2022-2022 йил	0,880	94 968,222	0,880	94 968,222												19.09.2022 йил №61592	Танлов асосида							
16	Ширин МФЙ Туркистон-1-6 кўчаси	2022-2022 йил	2,900	334 503,479	2,900	334 503,479												19.09.2022 йил №61594	Танлов асосида							
17	Наваҳор МФЙ Томирли кешигли Томирли кўчаси	2022-2022 йил	0,500	57 740,866	0,500	57 740,866												21.09.2022 йил №61923	Танлов асосида							
18	Наваҳор МФЙ Чашма кешигли Кустанрак кўчаси	2022-2022 йил	0,550	59 396,580	0,550	59 396,580												21.09.2022 йил №61948	Танлов асосида							

миңг сўмда

23

